



10.01.2019



Президентнинг 6.01.2019 йилдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4096 [1]-сон қарори эълон қилинди.

Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш тизimini такомиллаштириш – Давлат дастури – 2019 лойиҳасида [белгиланган](#) [2] асосий вазифалардан бири.

Судьяларни ўқитишга янгича ёндашув

Судьялик лавозимларига номзодларни қабул қилиш 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб фақат судьялик лавозими захирасида бўлган шахслар орасидан танлов асосида Судьялар олий кенгаши томонидан Олий суди билан биргаликда белгиланадиган квоталар бўйича амалга оширилади.

Булғуси судьяларни ўқитиш грант асосида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш **курсларида бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича** амалга оширилади. Бу тартиб шу йил 10 январдан жорий этилади.

Тайёрлаш курсларига қабул қилинган судьялик лавозимига номзодлар асосий иш жойи бўйича лавозимидан озод қилинади, бироқ уларнинг эгаллаган лавозими бутун ўқиш даври мобайнида сақланади. Курслар тингловчилари судья ёрдамчисининг бир ойлик МХТ миқдоридан стипендия билан таъминланади.

Судьялик лавозимларига 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб фақат бундай курсларда ўқишни муваффақиятли тамомлаган шахслар тайинланади. Ўқиш дастурини бажармаган ёки таклиф этилган судьялик лавозимини эгаллашни рад этганлар бутун ўқиш даврида олинган стипендия суммасини Давлат бюджетига тўлиқ миқдорда қоплаб беради.

Судьяларни дастлабки муддатга тайинлашнинг амалдаги тартиби 2019/2020 ўқув йили

тугаунга қадар сақлаб қолинади.

Судьяларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш

2019 йил 10 январдан бошлаб қуйидаги тартиб жорий этилади:

- 2 ойлик раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш. Ўқув дастури суд маъмуриятчилигини юритиш кўникмаларини эгаллашга, иш ва бошқарувни ташкил этишнинг инновацион шакл ва услубларини ўзлаштиришга қаратилган.
- Олий суд буюртмаси асосида 2 ҳафтадан кам бўлмаган, судьялар ва судлар аппарати ходимлари малакасини ошириш. Курсларда қонунчиликдаги янгиликларнинг мазмун ва моҳиятини тушунтирадилар, шунингдек касбий, жумладан, ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ва қўллаш масалаларига доир кўникма ва қобилиятларни такомиллаштиришга ёрдам берадилар.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларига ўқиш давомида асосий иш жойи бўйича эгаллаб турган лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

Судьялар олий мактаби ташкил этилади

У Судьялар олий кенгаши ҳузурида Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази негизида Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш марказининг 12 та штат бирлигини ўтказган ҳолда ташкил этилади.

Олий мактабга давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси мақоми берилади ва судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни амалга оширади.

Ўқув юртида 5 та: фуқаролик ҳуқуқи, иқтисодий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ ҳамда касбий кўникмалар кафедралари фаолият кўрсатади.

Олий мактабга Судьялар олий кенгаши раисининг тақдимномасига асосан Президент томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади.

Профессор-ўқитувчилар таркибига Олий суд судьялари учун, Олий мактабнинг бошқа ходимларига Олий суд аппарати ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади.

Олий мактаб Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уйда жойлаштирилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 7.01.2019 йилдан кучга кирди.

Манба: norma.uz

Сўнгги янгиликлар:

- [“АНДИЖОН-ФАРМ” ЭИЗ ташкил этилди](#) [5]
- [Қонунчиликдаги янгиликлар](#) [6]
- [Қонунчиликдаги янгиликлар](#) [7]
- [2019 йил 11 январь куни навбатдаги “Адлия ахбороти” брифинги ва матбуот анжумани ташкил этилди](#) [8]
- [18 ёшгача паспорт олмаганлик учун жарима тўланмайди](#) [9]
- [Судларда бож тўлаш бўйича бир қатор имтиёзлар бекор қилинди](#) [10]
- [Эсдалик учун суратга олиш: чекловлар олиб ташланди](#) [11]
- [Ўзбекистонга хуш келибсиз: мамлакатимиз виза тизими соддалаштирилмоқда](#) [12]
- [Ҳукумат қарори билан Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини яратиш ва фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди](#) [13]
- [2019 йилда болалар боғчаси учун тўлов қандай ўзгаради](#) [14]

Source URL: <http://insonvaqonun.uz/?q=ruknlar/4485>

Ссылки

- [1] https://static.norma.uz/official_texts/%D0%9F%D2%9A-4096,%206.01.2019%20%D0%B9.pdf
- [2] https://www.norma.uz/uz/nhh_loyihalari/davlat_dasturi_-_2019_loyihasi_taqdim_etildi
- [3] <http://insonvaqonun.uz/print/4485>
- [4] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/4485>
- [5] <http://insonvaqonun.uz/node/4508>
- [6] <http://insonvaqonun.uz/node/4507>
- [7] <http://insonvaqonun.uz/node/4502>
- [8] <http://insonvaqonun.uz/node/4493>
- [9] <http://insonvaqonun.uz/node/4491>
- [10] <http://insonvaqonun.uz/node/4490>
- [11] <http://insonvaqonun.uz/node/4483>
- [12] <http://insonvaqonun.uz/node/4481>
- [13] <http://insonvaqonun.uz/node/4479>
- [14] <http://insonvaqonun.uz/node/4475>